

**“URGANCH EKSKAVATOR” aksiyadorlik jamiyatি
юкори бошқарув органининг 21 - сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2020 йил “30” сентябр

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун, шунингдек жамият уставига асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул килиниши, хамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Урганч экскаватор” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ хисобланади. Шунга кўра ушбу қарор қўйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

- 1. Жамият бош директорининг 2019 йил фаолият яқунлари юзасидан ҳисботини кўриб чиқиш, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботларни тасдиқлаш.**
- 2. Жамиятнинг 2019 йиллик миллий ҳисбот стандартларига мувофиқ ташқи аудит хulosасини кўриб чиқиш.**
- 3. Жамиятнинг 2019 йиллик ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит хulosасини кўриб чиқиш.**
- 4. Жамият тафтишчисининг 2019 йил фаолияти яқунлари юзасидан текширув хulosасини кўриб чиқиш.**
- 5. Жамиятнинг 2019 йил яқунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хulosасини кўриб чиқиш.**
- 6. Кузатув кенгаши ҳисботини кўриб чиқиш.**
- 7. Жамият соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш.**
- 8. Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш.**
- 9. Жамият тафтишчисини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш.**
- 10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустакил ташкилотни ва ҳалқаро аудит стандарти бўйича аудиторни тайинлаш тўғрисида.**
- 11. Жамият бошқарув раисини тайинлаш тўғрисида.**

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича, жамият бош директори в.б. М.С. Бекязов сўзга чиқиб, жамият 2019 йил давомида 7 154 927 минг сўмлик маҳсулот сотилган. Бошқа манбалардан 1 027 231 минг сўмлик даромад олиниб, сотилган маҳсулот тан нархи 5 551 330 минг сўмни ташкил қиласди. Давр харажатлари 2 324 840 минг сўмни, шулардан: маъмурий харажатлар 1 057 665 минг сўмни, бошқа операцион харажатлар 1 267 175 минг сўмни ташкил қиласди. Давр харажатларининг ошиб кетишига маъмурий хўжалик бўлими ходимлари ойлик маоши ошибиши, жамият асосий воситаларига мулк солиғининг ошибирилиши ва баҳолаш ҳисботини

экспертизадан ўтказиш харажатлари сабаб бўлди. Жамият ушбу даврда умумий солик тўловчиси ҳисобланилган. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси бўйича 30 054 минг сўмлик фойда олинган. Жамият 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунларига кўра 25 172 минг сўм соф фойда билан якунланган (*ҳисобот, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлар илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамият бош директорининг 2019 йил фаолият якунлари юзасидан ҳисоботи, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлари тасдиқлансан.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги “XB FINANSE KONSULTING” аудиторлик ташкилоти аудитори М.С. Рузимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботига ижобий фикр билдирилган аудиторлик хulosасини ўқиб эшилтириди (*аудит хulosasi илова қилинади*). Унга кўра Жамиятнинг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача тузилган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлик жихатлари бўйича, шунингдек жамиятнинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс этган ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келган. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамиятнинг 2019 йил молиявий фаолият якунлари юзасидан ташқи аудити “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖнинг аудит текшируви хulosаси тасдиқлансан.

3. Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори Б.Н. Назаров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йилги халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тайёрланган йиллик молиявий ҳисботини халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудит хulosасини ўқиб эшилтириди (*аудит хulosasi илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамиятнинг 2019 йиллик халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудити “NAZORAT-AUDIT” МЧЖнинг аудит текшируви хulosаси тасдиқлансан.

4. Кун тартибидаги тўртминчи масала юзасидан, жамият тафтишчиси Ф.А. Джуманиязов сўзга чиқиб, 2019 йил фаолияти якунлари юзасидан текширув хulosаси билан таништириб ўтди. (*жамият тафтишчисининг хulosasi илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамият тафтишчисининг 2019 йил фаолияти якунлари юзасидан текширув хulosаси тасдиқлансан.

5. Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан, “GLOBAL DEPOZIT” МЧЖ раҳбари Б.Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якунларига кўра корпоратив

бошқарув тизимини баҳолаш түғрисидаги хulosасини ўқиб эшиттирди. Ташкилот жамият томонидан тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида баҳолаш натижаларини маълум қилди. Унга кўра жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси Қониқарли деб топилди (*корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хulosса илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамиятнинг 2019 йил якунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш түғрисидаги, “GLOBAL DEPOZIT” МЧЖ хulosаси тасдиқлансин.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан, жамият кузатув кенгаши аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, 2019 йил давомида кузатув кенгаши амалга оширган ишлар билан таништириди. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириши ва 2019 йил давомида жамият фаолиятига ижобий хисса қўшувчи бир қанча қарорлар қабул қилгандигини айтиб ўтди. Шунга кўра 2019 йил давомида жамият кузатув кенгаши ўн бешта йигилиш ўтказди ва қарорлар қабул қилди (*кузатув кенгаши ҳисботи илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил давомида амалга оширган мажлис баёнлари юзасидан ҳисботи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан, жамият кузатув кенгаши аъзоси К.О. Отажонов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2019 йил якунларига бағишланган умумий йигилишида жамиятнинг 2019 йилги соф фойдаси тақсимлаш 5 % захира фондига, 95 % жамият ишлаб чикариш фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш таклифи берилгандигини айтиб ўтди. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият соф фойдаси 5 % захира фондига, 95 % жамият ишлаб чикариш фаолиятини ривожлантиришга йуналтирилсин.

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан, жамият кузатув кенгаши аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2019 йил якунларига бағишланган умумий йигилишида жамиятнинг 2020 йил фаолияти юзасидан кузатув кенгаши аъзолигига Отажонов Каҳрамон Отажонович, Одилов Фарруҳ Баҳодирович, Назарова Дильдор Тимуровна ва Тўйчибоев Улуғбек Нематиллаевичларнинг номзодлари кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандигини айтиб ўтди. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамиятнинг 2020 йил фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш мақсадида кузатув кенгаши аъзоси сифатида Отажонов Каҳрамон Отажонович, Одилов Фарруҳ Баҳодирович, Назарова Дильдор Тимуровна ва Тўйчибоев Улуғбек Нематиллаевичлар тасдиқлансин.

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан, жамият кузатув кенгаши

аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2019 йил яқунларига бағишланган умумий йиғилишида жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун бир йил муддатга тафтишчи сифатида Джуманиязов Фарруҳ Алишерович номзоди кузатув кенгashi томонидан маъқулланганлигини айтиб ўтди. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият тафтишчиси сифати Джуманиязов Фарруҳ Алишерович номзоди тасдиқлансан.

10. Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан, жамият бош директори в.б. М.С. Бекзазов сўзга чиқиб, жамият томонидан ташкиллаштирилган танлов нитижаларига кўра, жамиятнинг 2020 йил фаолияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустакил баҳоловчи ташқилоти ва халқаро аудит стандартлари бўйича аудиторлик ташқилотларидан келиб тушган тижорат таклифлари кузатув кенгashi томонидан ўрганилиб “Audit Union” МЧЖ - халқаро аудит стандартлари бўйича аудиторлик хизмати 23 млн. сўм, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хизмати 3 млн. сўм миқдоридаги тижорат таклифи маъқулланган ва тасдиқлаш учун ягона акциядор кун тартибга киритилганлигини айтиб ўтди. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамиятнинг 2020 йил фаолияти “Audit Union” МЧЖ - халқаро аудит стандартлари бўйича аудиторлик хизмати 23 млн. сўм, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хизмати 3 млн. сўм тасдиқлансан.

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан, жамият кузатув кенгashi аъзоси К.О. Отажонов сўзга чиқиб, жамият бошқарув раиси Бекзазов Максуд Султанбекович билан меҳнат шартномасини узайтириш масаласи жамият кузатув кенгashi томонидан маъқулланганлигини айтиб ўтди. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди**:

Жамият бошқарув раиси Бекзазов Максуд Султанбекович билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга яъни кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар узайтирилсин.

Жамият ягона акциядори
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ

Х.Н. Хасилов